

**«Find Work New Service» МЧЖ (Kornet.uz платформаси) томонидан
совринли ўйинлар (акциялар) ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида
Н И З О М**

1. Умумий қоидалар

1.1. Ушбу Низом Kornet.uz интернет-платформаси доирасида «Find Work New Service» МЧЖ (кейинги ўринларда — Ташкилотчи) томонидан ўтказиладиган ютуқли акцияларни режалаштириш, ташкил этиш, ўтказиш ва якуний натижаларини аниқлашнинг ягона тартибини белгилайди.

1.2. Акцияларни ўтказишдан мақсад:

- фойдаланувчилар фаоллигини ошириш;
- Kornet.uz брендини тарғиб қилиш ва сервиснинг оммабоплигини ошириш;
- доимий мижозлар ва ҳамкорларни рағбатлантириш;
- аудиториянинг ишончи ва фаоллигини кучайтириш.

1.3. Ушбу Низом ички меъёрий ҳужжат ҳисобланади ва Акцияларни тайёрлаш ва ўтказишда иштирок этувчи барча ходимлар томонидан мажбурий бажарилиши шарт.

1.4. Акциялар лотерея, қимор ўйини ёки лицензия талаб этувчи мусобақа ҳисобланмайди ва бепул асосда ўтказилади.

1.5. Акциялар ҳақидаги маълумотлар қуйида жойлаштирилади:

- расмий веб-сайт: www.kornet.uz;
- Kornet.uz мобиль иловасида;
- расмий ижтимоий тармоқ саҳифаларида (YouTube, Telegram, TikTok, Instagram, Facebook).

2. Асосий атамалар ва таърифлар

Kornet.uz платформаси — «Find Work New Service» МЧЖга тегишли бўлган интернет-сервис ва мобиль илова бўлиб, фойдаланувчиларга эълонлар, вазифалар (топшириқлар), вакансиялар ва хизмат таклифларини жойлаштириш, шунингдек, совринли ўйинлар, акциялар ва бонус дастурларида иштирок этиш имконини беради.

Совринли ўйин — Ташкилотчи томонидан фойдаланувчилар ўртасида ўтказиладиган маркетинг тадбири бўлиб, белгиланган шартларга амал қилган ҳолда ғолибларни аниқлаш ва уларга совринлар топширишни назарда тутди.

Акция — Kornet.uz сервисини тарғиб қилиш ва фойдаланувчилар фаоллигини оширишга қаратилган маркетинг тадбирлари мажмуаси.

Иштирокчи — Kornet.uz платформасида рўйхатдан ўтган, ушбу Низом талабларига жавоб берадиган ва акция ёки совринли ўйинда иштирок этиш шартларини бажарадиган жисмоний шахс. Шунингдек, юридик шахснинг ваколатли вакиллари (ишончнома ёки бошқа ҳужжатлар асосида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган шахс).

Совринли ўйин (акция) вазифалари — иштирокчи совринли ўйинда иштирок этиш, тангалар (KorCoin)га ёки бошқа имтиёзларга эга бўлиш учун бажариши шарт ёки ихтиёрий бўлган ҳаракатлар.

Совринли ўйин (акция)да иштирок этиш вазифаларининг турлари:

1) Мажбурий вазифалар — совринли ўйинда иштирок этиш учун зарур бўлган асосий ҳаракатлар. Масалан:

- Kornet.uz платформасида рўйхатдан ўтиш;
- телефон рақамини тасдиқлаш;
- шахсни тасдиқлаш (ID-текширув);
- профильни тўлдириш (исм, шаҳар, фаолият йўналиши).

2) Бир маротабалик вазифалар — бир марта бажариладиган ҳаракатлар. Масалан:

- электрон почтани тасдиқлаш;
- буюртмага шарҳ (жавоб) қолдириш;
- эълон/топшириқ/вакансия жойлаштириш;
- Kornet.uz ижтимоий тармоқларига обуна бўлиш.

3) Узоқ муддатли вазифалар — мунтазам равишда бажариладиган ҳаракатлар. Масалан:

- буюртмани бажариш ва якунлаш;
- буюртма учун тўловни ёпиш;

- реферал орқали янги фойдаланувчи таклиф қилиш;
- ижобий фикр олиш;
- фикр (отзыв) қолдириш;
- Start, Standard, Premium пакетларини улаш ёки узайтириш (монетизациядан сўнг).

4) Бонус вазифалар — қўшимча имконият берувчи фаолиятлар. Масалан:

- «Омад филдираги» — кунига бир марта;
- «Сўровнома ўтказиш» — ойига бир марта.

3. Совринли ўйин турлари

3.1. Ташкилотчи қўйидаги турдаги Акцияларни ўтказиши мумкин:

- мавсумий (ёзги, кўзги, қишки, баҳорги);
- байрам (Наврўз, Янги йил, Мустақиллик кўни ва бошқа.);
- йиллик (фаоллик бўйича умумий йил якунлари);
- мавзули (янги функциялар, пакетлар ёки хизматлар ишга туширилиши муносабати билан).

3.2. Ҳар бир Совринли ўйин директор буйруғи ва тасдиқланган қоидалар асосида ўтказилади.

3.3. Шартлар, муддатлар ва соврин жамғармаси алоҳида белгиланади.

4. Ташкил этиш ва тайёргарлик шартлари

4.1. Барча Совринли ўйин ва акцияларнинг Ташкилотчиси — «Find Work New Service» МЧЖ.

4.2. Тайёргарлик ишлари қўйидагиларни ўз ичига олади:

- акция концепцияси ва механизмини ишлаб чиқиш;
- соврин жамғармаси ва бюджетига ойдинлик киритиш;
- масъул шахсни тайинлаш;
- иштирок қоидалари ва визуал материалларни тайёрлаш;
- директор буйруғи билан тасдиқлаш.

4.3. Масъул шахс қўйидагилар учун жавобгар:

- жараённинг ошкоралиги;
- маълумот ва натижаларни эълон қилиш;
- совринларни ўз вақтида топшириш;
- ҳисобот ҳужжатларини расмийлаштириш.

5. Совринли ўйин иштирокчилари

5.1. Совринли ўйинда Ўзбекистон ҳудудида яшовчи ёки фаолият кўрсатувчи, Kernet.uzда рўйхатдан ўтган жисмоний шахслар ва юридик шахс вакиллари иштирок этиши мумкин.

5.2. Қўйидагилар иштирок этишига рўхсат берилмайди:

- «Find Work New Service» МЧЖ ходимлари ва уларнинг яқин қариндошлари;
- совринли ўйинни ташкил этишда иштирок этувчи ҳамкор компаниялар вакиллари.

5.3. Совринли ўйинда иштирок этиш орқали иштирокчи ушбу Низомга шартларига ва шахсга доир маълумотларни қайта ишланишига розилигини билдиради.

6. Соврин жамғармаси

6.1. Совринлар «Find Work New Service» МЧЖ маблағлари ҳисобидан тақдим этилади.

6.2. Совринлар турлари:

- **моддий:** техника, совғалар, карталар, сувенирлар ва бошқа буюмлар;
- **номоддий:** бонуслар, промокодлар, хизмат пакетлари, платформа функцияларига кириш;
- **пул ютуқлари:** Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси (сўм)даги тўловлар.

6.3. Пул шаклидаги совринлар фақат шахсни тасдиқловчи ҳужжат ва банк реквизитлари тақдим этилганда тўланади. Тўлов натижалар эълон қилинганидан кейин **15 календарь кун** ичида амалга оширилади.

6.4. Пул шаклидаги совринлар фақат нақдсиз шаклда ўтказилади. Нақд пул берилмайди.

6.5. Пул шаклидаги совринлар бўйича солиқлар Ўзбекистон қонунчилигига мувофиқ тўланади.

Ташкилотчи солиқларни ушлаб қолиш ва бюджетга ўтказиш ҳуқуқига эга.

6.6. Иштирокчи айби билан совринни топшириш имкони бўлмаса (керакли маълумотларни тақдим этмаслик, нотўғри реквизитлар, совринни қабул қилишни рад этиш), соврин талаб қилинмаган деб ҳисобланади ва Ташкилотчининг тасарруфида қолади.

6.7. Ташкилотчи совринни бошқа совринга, яъни эълон қилинган совриннинг қийматига тенг бўлган бошқа муқобил совринга алмаштириш ҳуқуқига эга.

7. Ғолибларни аниқлаш

7.1. Ғолиблар қўйидаги тартибда аниқланади:

- тасодикий танлов (random) орқали;
- иштирокчилар фаоллигига кўра;
- аралаш усулда.

7.2. Натижалар масъул шахслар имзолаган Протокол билан расмийлаштирилади.

7.3. Ғолиблар тўғрисидаги маълумотлар сайт ва ижтимоий тармоқларда эълон қилинади.

8. Совринларни топшириш тартиби

8.1. Ғолиблар шахсий кабинет, e-mail ёки СМС хабарнома орқали хабардор қилинади.

8.2. Совринни олиш учун иштирокчи (ёки юр. шахс вакили) шахсини ва ваколатларини тасдиқлаши шарт.

8.3. Совринлар шахсан топширилади ёки курьер/почта орқали етказилади.

8.4. Агар ғолиб **14 кун** давомида Ташкилотчи билан боғланмаса — соврин бекор қилинади.

9. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

9.1. Ташкилотчи ҳуқуқлари:

- совринли ўйин муддати ва шартларини ўзгартириш;
- ғолиб исми ва суратини (розилиги билан) эълон қилиш;
- мазкур Низом шартларини ва ўйин қоидаларни бузган иштирокчини четлатиш.

9.2. Иштирокчи ҳуқуқлари:

- акция тўғрисида ишончли маълумот олиш;
- иштирок этиш ёки иштирок этишни рад этиш тўғрисида мустақил қарор қабул қилиш;
- шахсга доир маълумотларини ҳимоя қилишни талаб қилиш.

10. Шахсга доир маълумотларни қайта ишлаш

10.1. Маълумотлар фақат Совринли ўйинни ўтказиш мақсадида қайта ишланади.

10.2. Ташкилотчи Ўзбекистон Республикаси “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Қонуни талабларига риоя қилади.

10.3. Маълумотлар сақлаш муддати — акция тугаганидан кейин **12 ой**.

10.4. Иштирокчи шахсга доир маълумотларни қайта ишлаш учун берган розилигини қайтариб олиш ҳуқуқига эга.

11. Жавобгарлик

11.1. Ташкилотчи қўйидагилар учун жавобгар эмас:

- алоқадаги ўзилишлар ва техник носозликлар;
- иштирокчи томонидан нотўғри маълумот киритилиши;
- иштирокчининг айби билан совринни топшириб бўлмаслиги.

11.2. Иштирокчи берилган маълумотлар тўғрилиги ва қоидаларга риоя қилиш учун жавобгар.

12. Ҳисобот ва назорат

12.1. Ҳар бир Совринли ўйин бўйича қўйидагиларни ўз ичига олган Ҳисобот тузилади:

- муддатлар ва босқичлар;
- иштирокчилар сони;
- соврин жамғармаси;
- натижалар ва ғолиблар рўйхати;
- совринларни топширишни тасдиқловчи маълумотлар.

12.2. Ушбу Низом ижроси устидан назорат «Find Work New Service» МЧЖ директори томонидан амалга оширилади.

13. Якуний қоидалар

13.1. Ушбу Низом директор томонидан тасдиқланган пайтдан бошлаб кучга киради.

13.2. Ўзгартириш ва қўшимчалар директор буйруғи билан киритилади.

13.3. Низомнинг амал қилиши муддатсиз бўлиб, Kernet.uz платформасида ўтказиладиган барча акцияларга татбиқ этилади.